

Феруза Эшматова

юридик фанлар номзоди,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты,  
Жаҳон иқтисодиети ва дипломатия  
университети тадқиқотчиси



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2018-10-9>

## ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИНИ ЯРАТИШДА ХАЛҚАРО ПАРЛАМЕНТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ РОЛИ

**Аннотация.** Ушбу мақолада Халқаро парламент ташкилотларининг халқаро ҳуқуқ нормаларини ривожлантиришдаги роли ёритиб берилган. Умумий жиҳатдан халқаро парламент институтларининг белгилари ўрганилган. Халқаро парламент ташкилотларининг ҳуқуқий субъектлилиги масалаларига тўхталиб ўтилган. Шу билан бирга халқаро парламент ташкилотлари халқаро норма ижодкорлик жараёнида иштирок этиш ҳуқуқига эгаллиги, норма ижодкорлик ваколатларининг турлари, йўналишлари ва ҳажми ҳар қандай халқаро парламент ташкилотларининг таъсис ҳужжатларида белгилаб берилиши ўрганилган. Шунингдек мақолада халқаро парламент ташкилотларининг норма ижодкорлик фаолиятини ваколатлари доирасига кирадиган масалалар бўйича конвенция, тавсия, декларация ва протоколларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиши ва халқаро шартномаларни тузишдан иборат деб ҳисоблаш мумкин.

**Калит сўзлар:** Халқаро парламент ташкилотлари, халқаро ҳуқуқ субъекти, Парламентларо ҳамкорлик, Парламентларо Иттифоқ, ЕХҲТ Парламент, МДХ Парламентларо Ассамблеяси, норма ижодкорлик жараени, халқаро-ҳуқуқий субъектлик, конвенция, тавсия, декларация, протокол, халқаро шартнома.

---

Феруза Эшматова

кандидат юридических наук,  
Депутат Законодательной палаты  
Олий Мажлиси, Соискатель Университета  
мировой экономики и дипломатии

## РОЛЬ МЕЖДУНАРОДНЫХ ПАРЛАМЕНТСКИХ ОРГАНИЗАЦИЙ В СОЗДАНИИ НОРМ МЕЖДУНАРОДНОГО ПРАВА

**Аннотация.** В статье исследована нормотворчество в международном праве, нормотворческая деятельность, признаки, функции международных парламентских организаций, формы постановлений, принимаемых ею, нынешние тенденции развития нормотворческой деятельности. Освещается роль международных парламентских организаций в развитии норм международного права. Исходя из общих положений были изучены признаки международных парламентских институтов. Рассмотрена правосубъектность международных парламентских организаций. В статье также рассматриваются вопросы принятия и заключения конвенции, рекомендации, декларации и протокола по вопросам, входящим в компетенцию международных парламентских организаций.

**Ключевые слова:** Международные парламентские организации, международное право, межпарламентское сотрудничество, Межпарламентский союз, Парламентская ассамблея ОБСЕ, Межпарламентская ассамблея СНГ, нормотворческий процесс, международная правосубъектность, конвенция, рекомендация, декларация, протокол, международный договор.

## THE ROLE OF INTERNATIONAL PARLIAMENTARY ORGANIZATIONS IN THE CREATION OF INTERNATIONAL LAW

**Abstract:** The article examines the rule-making in international law, rule-making activities, features, functions of international parliamentary organizations, forms of decisions adopted by it, the current trends in the development of rule-making activities. The role of international parliamentary organizations in the development of international law is highlighted. Based on the General provisions, the characteristics of international parliamentary institutions were studied. The legal personality of international parliamentary organizations is considered. The article also deals with the adoption and conclusion of the Convention, recommendations, Declaration and Protocol on matters within the competence of international parliamentary organizations..

**Keywords.** International parliamentary organizations, international law, inter-parliamentary cooperation, inter-parliamentary Union, OSCE parliamentary Assembly, CIS inter-parliamentary Assembly, normative process, international legal personality, Convention, recommendation, Declaration, Protocol, international Treaty.

**For citation:** Feruza Eshmatova. THE ROLE OF INTERNATIONAL PARLIAMENTARY ORGANIZATIONS IN THE CREATION OF INTERNATIONAL LAW. Journal of Law Research. 2018, 10 vol., issue 1, pp. 47-51

Бугунги демократлашув ва глобаллашув шароитларида тобора кўплаб халқаро ташкилотлар парламент органларини ташкил этмоқда, мавжудлари эса янгича функциялар билан тўлдирилиб, парламентаризм амалиётини инобатга олган ҳолда трансформациялаштирилмоқда [1]. Бу ўз навбатида, норма ижодкорлик фаолиятини такомиллаштириш, ҳуқуқ нормаларини унификациялаштириш ҳамда парламентаризм ривожининг замонавий тенденциялари билан боғлиқдир.

Халқаро парламент ташкилотлари халқаро норма ижодкорлик жараёнида иштирок этиш ҳуқуқига эга. Норма ижодкорлик ваколатларининг турлари, йўналишлари ва ҳажми ҳар қандай халқаро парламент ташкилоларининг таъсис ҳужжатларида белгилаб бериллади.

Шунингдек, вакиллик органларининг замонавий истиқболи парламентларинг миллий, минтақавий ва глобал даражаларда қарорлар қабул қилиш жараёнларидаги иштирокининг кучайгани билан ҳам изоҳланади [2].

Минтақавий ташкилотлар доирасида ташкил этилган халқаро парламент тузилмалари, бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Масалан, Европа Кенгашининг Парламент ассамблеяси Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судининг судьяларини сайлайди, ЕХХТнинг Парламент ассамблеясида ҳар бир аъзо давлат учун миллий квота мавжуд [3]. Африка халқаро Парламент иттифоқи эса Африка бирлиги ташкилоти билан юридик жиҳатдан боғлиқ эмас [4].

Шунингдек, умумий жиҳатдан халқаро парламент институтларининг қуйидаги белгиларини қайд этиш мумкин:

- кўптомонлама шартномавий асос (халқаро-ҳуқуқий ёки парламентлараро);
- фаолиятининг доимийлиги;

- 
- 
- ички ташкилий механизмнинг мавжудлиги;
  - халқаро ҳуқуқий лаёқатга эгалик [5].

XXI аср бошларига келиб халқаро парламент тузилмалари - суверен давлатлар парламентлари ўртасида халқаро конструктив ҳамкорлик асосида норматив-ҳуқуқий база яратиш орқали замонавий халқаро ҳуқуқ ривожининг катта ҳисса кўшиб келмоқда.

Шу асосда, айтиш мумкинки, бундай халқаро институтларнинг асосий вазифаларидан бири бу норма ижодкорлик фаолияти билан шугулланишдир [6].

Чунончи, парламент тузилмаларининг мазкур функцияси МДХнинг Парламентлараро ассамблеяси тўғрисидаги Конвенциянинг 4-моддасида мустаҳкамланган бўлиб, унга кўра Парламентлараро ассамблея иштирокчи давлатлар қонунчилигини ўқинлаштириш турли соҳалар бўйича давлатлар ҳамкорлигини рағбатлантиришга оид масалалар юзасидан тавсиялар қабул қилади. Шунингдек, мазкур халқаро институт 2005 йил 14 апрелдаги Низом[7]га кўра, иштирокчи давлатлар қонунчилигини такомиллаштириш юзасидан намунавий қонун ҳужжатлари ишлаб чиқади ва қабул қилади.

Европа Кенгашининг Парламент ассамблеяси консултатив орган саналиб, ўзида 47 европа мамлакатлари парламентларининг вакилларини бирлаштиради. Ассамблеянинг ҳар йили ўтказиладиган тўртта пленар сессияларида европа сиёсатининг долзарб муаммолари ва уларнинг ҳуқуқий ёчимлари кенг муҳокама этилиб, унга давлат ва ҳукумат раҳбарлари ҳам таклиф этилади. Мазкур халқаро институт норма ижодкорлик фаолияти доирасида куйидаги функцияларни амалга оширади:

- Европа Кенгашида ишлаб чиқилган халқаро конвенциялар лойиҳаларини маъқуллайди;
- турли мавзулар бўйича депутатларнинг маърузалари асосида резолюция ва тавсиялар қабул қилади;
- Европа кенгашига аъзоларни қабул қилиш шартларини белгилайди;
- янги миллий қонунлар қабул қилиш ташаббусини илгари суради, лойиҳалар тақдим этади ёхуд қонунчилик жараёнларида аъзо-давлатларга ёрдам кўрсатади ва бошқалар.

Халқаро норма ижодкорлик халқаро ҳуқуқ субъектининг муайян масалаларда қарорлар қабул қилиш жараёни билан боғлиқдир. Кўплаб парламент ташкилотларида қарорлар уларнинг пленар мажлисларида қабул қилинади [8] ва турли шаклдаги ҳужжатлар билан расмийлаштирилади. Масалан, Европа Кенгашининг Парламент ассамблеяси учта турдаги ҳужжатлар: тавсия, резолюция, хулосалар қабул қилади[9]. Тавсияларда Вазирлар комитетига йўналтирилган таклифлар қайд этилади. Резолюцияларда Ассамблеянинг ваколат доирасидаги масалалар юзасидан қабул қилган қарорлари акс эттирилади. Янги аъзоларни қабул қилиш, конвенция лойиҳаларини кўриб чиқиш, бюджетни шакллантириш борасида Вазирлар комитетининг тақдим этган масалалари юзасидан Хулосалар берилди. Тавсия ва хулосаларнинг қабул қилиш учун малакали кўпчилик овози талаб этилади, резолюция ва бошқа қарорларни қабул қилишда эса қатнашувчиларнинг оддий кўпчилик овози етарли ҳисобланади [10].

МДХнинг Парламентлараро Ассамблеясида қарорлар мурожаат, тавсия, таклиф ва меморандум шаклидаги ҳужжатлар орқали қабул қилинади [12]. Шунингдек, мазкур ассамблеяда барча қарорлар, уларнинг тавсиявий характердалигидан

---

---

қатъий назар[11], консенсус асосида қабул қилинади. Европа Кенгашининг Парламент ассамблеясида фарқли равишда МДХ Парламентлараро Ассамблеяси Регламентининг 2-модда 6-бандига кўра, пленар мажлислари аъзо-давлатларнинг парламент делегатларининг учдан икки қисми иштирокида ваколатли саналади.

Халқаро парламент ташкилотларининг қарорлари одатда тавсиявий характерда бўлади. Бироқ, айтиш жоизки, парламент ташкилотларидан энг қадимгиси ҳисобланмиш 1889 йилда тузилган Парламентлараро Иттифоқнинг қарорлари юридик характер касб этмасида, дунёнинг кўплаб давлатлари қонун чиқарувчи органлари вакилларининг фикри ва иродасини ифода этгани сабабли жаҳон ҳамжамияти, давлатлар ва халқаро ташкилотлар фаолиятига салмоқли таъсир кўрсатади. Шунингдек, Африка халқаро парламент иттифоқининг қарор ва тавсиялари юридик кучга эга эмас, лекин мажбурий тартибда парламент гуруҳлари томонидан миллий парламентларга етказилади ва уларни ижросини таъминлаш чора-тадбирлар тўғрисида бош котибга ҳисобот тақдим этиш талаб этилади.

Чунончи, Халқаро парламент ташкилотларининг норма ижодкорлик фаолиятини тадқиқ этганда, унда бугунги кундаги замонавий тенденцияларни қайд этиш ўринлидир.

Жумладан, халқаро парламент институтлари ваколат доираларининг кенгайиши, яъни ҳукуматлараро даражада ишлаб чиқилган мажбурий норматив актлар билан мустақамланадиган тавсияларнинг чиқарилиши; халқаро парламент институтлари ва ҳукуматлараро орган ўртасидаги алоқаларда номувофиқликлар юзага келганда мажбурий амал қилиниши лозим бўлган жараёнларнинг жорий этилганлиги, ХПИ фаолиятига доир ҳуқуқий механизмларнинг такомиллаштирилганлиги[13] - мазкур институт тараққиётининг янги босқичини ҳамда яқин келажак учун ривожланишнинг ўзига хос тенденциясини англатади.

Бундан ташқари, халқаро парламент институтлари ҳуқуқий мақомининг кучайиши, хусусан, давлатлар томонидан халқаро шартнома асосида ташкил этиладиган халқаро парламент институтлари ваколатлари нуқтаи назаридан ҳамда функционал ва институционал муносабатларда кўпроқ такомиллашганлиги, таъсис ҳужжати асосида ҳуқуқий лаёқат, муайян имтиёз ва иммунитетларга эга бўлиши - бу борадаги яна бир тенденцияни ўзида акс эттиради.

Халқаро ҳуқуқ назариясининг етук олими академик Г.И.Тункин фикрича, "умумий халқаро ҳуқуқ нормаларини шакллантириш жараёни норма яратиш усулларининг яқунланиши натижада халқаро-ҳуқуқий нормалар вужудга келадиган "асосий жараёнлар"ни ва халқаро-ҳуқуқий нормаларни шакллантириш жараёнининг муайян босқичлари ҳисобланувчи, бироқ жараённи яқунламайдиган "ёрдамчи жараёнлар"ни қамраб олади" [14]. "Мазкур жараён", дейди И.И.Лукашук, "ягона қонунчилик органининг йўқлиги натижасида ўзига хос хусусият ва муайян мураккаблик билан ажралиб туради" [15]. "Консенсус"нинг халқаро ҳуқуқ нормасини яратишда муҳим ўринга эгаллигини таъкидлаган ҳолда Халқаро ҳуқуқ институти норма ижодкорлик ҳақида шундай фикр билдиради: "Дунё давлатлари ўзлари учун ҳуқуқни ўз хоҳишларига кўра исталган йўл билан яратишлари мумкин. Агар уларнинг барчаси мазкур ҳаракатларни муайян тарзда амалга оширишга рози бўлсалар, у ҳолда ҳеч ким уларнинг мана шундай ҳаракат қилиш қобилият ёки ҳуқуқларини инкор эта олмайди"[16].

Адабиётларда халқаро ташкилотлар норма ижодкорлик фаолиятининг икки турини фарқлашади:

- 1) халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари (давлатлар ва халқаро ташкилотлар)

---

---

билан ҳамкорликда халқаро ҳуқуқ нормаларини яратиш ёки халқаро ташкилотлар томонидан тегишли қарорларнинг қабул қилиниши;

2) давлатлар томонидан халқаро ҳуқуқ нормаларини яратишнинг турли босқичларида қатнашиш (баъзида, тадқиқотчилар томонидан халқаро ҳуқуқ ижодкорликда халқаро ташкилотларнинг ёрдамчи функцияси [17] ёки квази норма ижодкорлик функцияси [18] деб аталади).

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда халқаро парламент ташкилотларининг норма ижодкорлик фаолиятини:

**биринчидан**, ваколатлари доирасига кирадиган масалалар бўйича конвенция, тавсия, декларация ва протоколларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

**иккинчидан**, халқаро шартномаларни тузишдан иборат деб ҳисоблаш мумкин.

#### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Виноградова А.А. Межпарламентские институты: критерии и классификация //Обозреватель - Observer. - М., 2012. - № 6. - С. 90.
2. Саидов А. Х. Национальные парламенты мира: Энциклопедический справочник. - М.: Российская академия наук. Институт государства и права, ВолтерсКлувер, 2005. - 673с.
3. Каримова А. Международные организации - инструмент многостороннего сотрудничества. Учебник. УМЭД Т.: 2002. С.21.
4. Виноградова А.А. Межпарламентские институты: динамика развития //"Обозреватель - Observer". - М., 2012. - № 3. - С. 84.
5. Claudia Kissling. The Legal and Political Status of International Parliamentary Institutions. Committee for a Democratic U.N. Berlin, Germany, January 2011. P.17.
6. Регламент Межпарламентской Ассамблеи Евразийского экономического сообщества2-статья. [http://iacis.ru/upload/iblock/789/regl\\_ipa.pdf](http://iacis.ru/upload/iblock/789/regl_ipa.pdf) (accessed12.05.2017)
7. Положение о разработке модельных законодательных актов и рекомендаций Межпарламентской Ассамблеи государств - участников Содружества Независимых Государств. [http://iacis.ru/upload/iblock/789/regl\\_ipa.pdf](http://iacis.ru/upload/iblock/789/regl_ipa.pdf) (accessed12.05.2017)
8. Балакирева В.И. Межпарламентская Ассамблея СНГ как международный институт политической консолидации: Автореф. дис. ... канд. полит. наук. - СПб.: Санкт-Петербургский государственный университет, 2002. - С. 369.
9. Working with the Parliamentary Assembly Questions and answers. Council of Europe. May 2013. P.5. <http://website-pace.net/documents/10643/375483/Working-with-PACE-EN.pdf/70e740a6-4f87-4c10-8f02-c02a5f79cdcb>(accessed 15.05.2017)
10. Rules of Procedure of the Assembly. Resolution 1202 (1999) adopted on 4 November 1999. P.136. <http://www.assembly.coe.int/nw/xml/RoP/Rules-EN.pdf> (accessed 15.05.2017)
11. Регламент Межпарламентской Ассамблеи государств - участников Содружества Независимых ГосударствСтатья 13. [http://iacis.ru/upload/iblock/789/regl\\_ipa.pdf](http://iacis.ru/upload/iblock/789/regl_ipa.pdf) (accessed25.05.2017)
12. Воронцова Н.А. Правовые основы становления и функционирования межгосударственного механизма интеграционных процессов в Евразийском экономическом сообществе. Дис... д. ю. н. М., 2004. С. 87.
13. Хабаров, С. А.Международные парламентские организации (международно-правовые вопросы) : Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Специальность 12.00.10 - Международное право / Рос. акад. гос. службы при Президенте РФ. -М.,1996. С.7.
14. Тункин Г.И. Теория международного права. - М., 2000. - С. 75.
15. Лукашук И.И. Международное право. Общая часть: Учебник. - 2-е изд., перераб. и доп. - М., Изд-во ВЕК, 2001. - С. 80.
16. Yearbook of the Institute of International Law. Vol. 67, Part I. Session of Strasbourg, 1997. - Pp. 111-112. [http://www.idi-ii.org/app/uploads/2018/06/1997\\_vo\\_1\\_67-I\\_Session\\_de\\_Strasbourg.pdf](http://www.idi-ii.org/app/uploads/2018/06/1997_vo_1_67-I_Session_de_Strasbourg.pdf).
17. Крылов Н.Б. Правотворческая деятельность международных организаций. - М., 1988. - С. 47.
18. Шибаева Е.А. Право международных организаций: Вопросы теории. - М., 1986. - С. 106.